Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 27 апрель, пайшанба №51 (21.814.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

25 апрель куни Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг «Ротшильд Энд Санс ЛТД» банки раиси Сэр Эвелин де Ротшильдни қабул қилди.

1798 йилда тузилган ушбу банк айни пайтда нафақат Буюк Британиядаги, балки жаҳондаги етакчи банклардан бири саналади. У жаҳон қимматбаҳо металлар бозорида хизматлар кўрсатиш борасида етакчи бўлибгина қолмай, турли мамлакатларга иқтисодиётни тиклаш, хусусийлаштиришни амалга оширишда кўмаклашиб келади.

Президент Ислом Каримов Узбекистон билан ушбу йирик банк ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Утган қисқа муддат ичида биз «Ротшильд Энд Санс ЛТД» ишончли ҳамкор эканига амин бўлдик, — деди жумладан Узбекистон раҳбари.

Сэр Эвелин де Ротшильд самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик изҳор этиб, ўзи раҳбарлик қилаётган банк катта иқтисодий имкониятлар ва табиий бойликларга эга Узбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Узбекистон Бош вазири ўринбосарлари У. Султонов, Б. Ҳамидов, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

* * *

Шу куни Узбекистон Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стэнли Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Суҳбат чоғида Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, жумладан, Тожикистондаги вазиятни тинч музокаралар орқали ҳал этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Узбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Учрашувда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

(УзА).



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ олган сурат.

ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ МАКОН МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Узбекистон Республикаси Бош вазирлари кенгашининг 24 апрель куни Бишкекда бўлиб ўтган мажлисида шу давлатлар ўртасида 2000 йилгача иқтисодий интеграция дастури кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Дастурни ишлаб чиқиш чоғида мажлисда иштирок этган давлатлар халқ хўжалиги мажмуини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олишган.

Уч мамлакат ўртасида ягона иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисидаги шартномани рўёбга чиқариш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, фармацевтика саноати ва соғлиқни сақлаш, зилзилаларни тадқиқ этиш ва сейсмик хавфни олдиндан фараз қилиш соҳаларида, бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилишнинг аниқ тадбирлари ва қоидалари ишлаб чиқилди. Қабул қилинган ҳужжатларни Қозоғистон Республикаси Бош вазири А. Кажегелдин, Қирғизистон Республикаси Бош вазири А. Жумагулов, Узбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов имзолади.

(ЎзА).

ҒОЛИБЛАР ШАРАФИГА

Мамлакатимизда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган хилма-хил тадбирларни ўтказиш қизғин давом этмоқда. Ана шулардан бири Ўзбекистон ХДП Тошкент туман кенгаши ташаббуси билан шу ердаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг вилоят Кенгаши депутати Ҳоким ака Азимов бошлиқ бригадаси дала шийпонида ўтказилди. Учрашувда уруш ва меҳнат фахрийлари, партиямиз фаоллари, жамоа хўжалиги аъзолари иштирок этдилар.

Тўкин дастурхон атрофига йиғилганларни Узбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, туман ҳокими Рустам Акбаровлар яқинлашиб келаётган умумхалқ байрами билан самимий қутлаб, уларнинг барча хайрли ишларида омад тиладилар.

Ғалабанинг шонли 50 йиллигига бағишланган тантанада бир гуруҳ ёшларга Узбекистон Халқ демократик партиясининг аъзолик билетлари топширилди. Уруш фахрийларига совға-саломлар улашилди.

Учрашув қатнашчилари ҳаваскор санъаткорларнинг ёқимли куй ва қўшиқларидан мамнун бўлдилар.

Тадбирда Узбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Ўктам Турғунов қатнашди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ОНА ВАТАН КЕЧА БУГУН ЭРТАГА



ШАРТНОМА ҚЎЛ КЕЛДИ

Тошкент вилоятида ғалла экиладиган майдонлар кенгайганлиги сабабли қўшимча техника сотиб олишга зарурат янада ортди. Россия Федерацияси билан тузилган шартнома бу борада жуда қўл келди.

«Тошвилқишлоқхўжаликтаъминот ва таъмирлаш» бирлашмасидан маълум қилишларича, шартнома амалий тус ола бошлаган. Яқинда дастлабки 56 та комбайн ва 50 та трактор олинди. Ҳадемай Красноярск шаҳридан яна 314 та комбайн ва бошқа шаҳарлардан 150 та трактор келтирилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаси учун зарур бўлган 4 миллион сўмдан кўпроқ эҳтиёт қисмлар сотиб олинди.

Вилоятнинг аксарият туманларида чигит экиш бошлаб юборилган ҳозирги пайтда техника таъминотидаги бундай шайлик механизаторларга жуда қўл келмоқда.

ЖАМҒАРМА «ЖИЛҒАЛАРИ»

Республикамиз Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони Тошкент вилояти тадбиркорларига ҳам қанот бўлди, уларга катта имкониятлар очиб берди.

Энг муҳими, бу Фармон давлат ва хусусий корхоналар мавқеини тенг қилиб қўйди. Эндиликда «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма» вилоят бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ариза билан мурожаат қилган тадбиркорларни узоғи билан уч кун ичида рўйхатдан ўтказишмоқда. Яқинда Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари ва тўрт туманда бошқармaнинг янги очилган бўлимлари иш бошлади.

Вилоятнинг 12 тумани ва шаҳарида ишлаб турган жамғарма бўлимлари тадбиркорларга қарз беришни ҳам бошлаб юбордилар. Ҳозирча Тошкент, Паркент, Бўстонлиқ туманларидаги учта кичик ва хусусий корхонага 600 минг сўм ажратилди.

Абдунаби МАННОПОВ.

БАРЧАНИНГ БУРЧИ

Жиноятчиликка қарши курашни авж олдириш мақсадада Сирдарё вилояти ҳокими Ғ.Ҳасанов вилоят аҳолисига мурожаат билан чиқди.

— Жиноят содир этган фуқаро фарзандимиз, қариндош — уруғимиз ёки яқинимиз бўлиши мумкин. Ундайларни тўғри йўлга солиш, танбеҳ бериш, уларга ўз таъсиримизни ўтказа олиш — биринчи галдаги вазифаларимиздан бўлмоғи керак. Чунки жиноятчи етказган азиятлардан ҳаммамиз жабр кўрмоқдамиз, дейилади унда.

Ҳозир мазкур мурожаат вилоятнинг барча жойларида ишлаб чиқилмоқда ва муҳокама этилмоқда.

Жумладан, бўлиб ўтган диний идоралар вакиллари, маҳалла оқсоқоллари ва бошқаларнинг вилоят ҳокимлигидаги йиғилиш ҳам шу масалага бағишланди.

Абдужалил УМАРОВ.

МАШИНА-ТРАКТОР САРОЙИ ОЧИЛДИ

Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалик таъминоти ва таъмирлаш бирлашмаси жамоаси республика Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатиш соҳасида шартнома муносабатларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини ҳаётга изчил татбиқ этиб, ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Куни кеча Гулистон, Мирзаобод туманларида худди шундай машина-трактор парклари очилди. Туман таъмирлаш корхоналари ихтиёрига керакли янги техникалар берилганидан механизаторлар беҳад хурсанд.

— Қишлоқ хўжалик техникаси паркидан оқилона фойдаланиш, умумий харажатларини қисқартириш ва бошқа тадбирларни бажаришнинг шартномавий шакллари тизимига ўтиш ишларини яқин йилларда қолган туманларда ҳам бирин-кетин амалга оширмоқчимиз, - деди бирлашма раҳбари Юсупали Буронов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ.

ДЕҲҚОН МАҲСУЛОТИНИ ЎЗИ СОТАДИ

Пахтакор шаҳри деҳқон бозорида 500 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулоти сақланадиган омборхона қурилди. Энди деҳқонлар ўз маҳсулотларининг сифатини бузмасдан сотиш имконига эга бўлдилар. Бу бозорда нарх-навонинг мўътадиллигини сақлаш учун ҳам имконият яратиб беради.

Деҳқонларга қулай бўлсин деб учта сотув дўкони очилди. Бу дўконлар маҳсулотни улгуржи қабул қилиб олиш ва сотишга мулжалланган.

Бозорда жумҳуриятнинг барча бурчакларидан келиб маҳсулот сотаётган деҳқонларни учратиш мумкин. Бозор раҳбарияти ижара ширкат хўжаликлари билан шартнома тузиб, маҳсулот сотиш тадбирларини ҳам тузиб чиқди. Бу тадбирлар бозор иқтисодиёти шароитида харидорларнинг талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

26 апрель куни Вазирлар Маҳкамасида республика Бош вазири А. Муталов раислигида хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, маҳалла қўмиталарининг раислари, тадбиркорлар иштирок этишди.

Мажлисда Президент Ислом Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар асосида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўллари, шунингдек, иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторини ривожлантиришда, «Корхона-маҳалла» тамойилини амалга оширишда маҳаллий бошқарув органлари билан тармоқ хўжалик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

Шунингдек, мулкка оид объектлар ва ер участкаларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш ишидаги нуқсонлари учун тармоқларнинг, айрим корхоналарнинг, маҳаллий бошқарув органларининг раҳбарлари танқид қилинди. Чунки, бу нуқсонлар республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Мажлисда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси — назорат инспекциясининг раҳбари М. Мирқосимов, Бош вазир ўринбосари В. Чжен сўзга чиқишди. Мажлис пировардида Бош вазир А. Муталов муҳокама натижаларини умумлаштириб, дарҳол ҳал этилиши лозим бўлган долзарб вазифаларни кўрсатиб берди.

(ЎзА).

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Наманганда «Узбекистон — туб ислоҳотларнинг янги босқичида» мавзуида илмий- амалий конференция ўтказилди. Ушбу анжуманни УзХДП вилоят кенгаши вилоят ҳокимлиги ҳамда республика «Маънавият-маърифат» жамоатчилик марказининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этди.

Узбекистон мустақилликка эришгандан бери босиб ўтган йўлининг ўзига хос томонлари нималардан иборат, миллий давлатчиликнинг ҳуқуқий асослари қандай яратилмоқда демократик жараёнларнинг бориши, миллий маънавият муаммолари, мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий ўзгаришлар, ислоҳотларнинг ижтимоий йўналишлари ХДП аъзоларининг ислоҳотлардаги иштироки каби масалалар муҳокама этилди.

Ҳокимлик ходимлари партиямиз фаоллари ахборот-тарғибот марказлари аъзолари ижтимоий фанлар ўқитувчилари, тарғиботчилари ҳузурида Наманган давлат университети, муҳандислик иқтисодиёт институти олимлари, ҳуқуқшунослар ХДП кенгашларининг раҳбарлари маъруза қилдилар. Нотиқлар Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни атрофлича таҳлил этдилар.

Илмий-амалий конференцияда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, ХДП вилоят кенгаши бюросининг аъзоси О. Бозоров бу ишлар мавсумий эмаслигини, балки юртбошимизнинг маърузаларида ифодаланган гояларни кишилар қалбига ва онгига етказиш улкан вазифаларни рўёбга чиқариш учун ижодий меҳнатга сафарбар этиш барча тарғиботчиларнинг кундалик фаолиятига асос бўлиши зарурлигини таъкидлади. Чунки уларда республикамизнинг яқин истиқболдаги ва келгуси асрдаги тараққиёт уфқлари ҳам белгилаб берилган. Илмий-амалий конференцияда Узбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Н. Қозоқов қатнашди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ.

Мухбиримиз бонг уради

ТАДБИРКОРЛИК ЎРНИГА ЛОҚАЙДЛИК

Бир ибора бор: «Яхшидан боғ, ёмондан доғ қолади». Машҳур пахтакор, ишбилармон, ўз даврининг тадбиркор раҳбари Шамси Назаров бир боғ — юртдошлари, қолаверса, қишлоқдошлари учун жаннатий гўша яратиб кетганди. Тадбиркорона меҳнат қилган барча ишлари одамлар қалбида ўчмас бўлиб қолган экан, бугун унинг номини ўзи кўп йиллар раҳбарлик қилган хўжаликка абадий қилиб муҳрлашди.

Ўша пайтлари «Хумор» деб аталган бу хўжалик Пахтачида, қолаверса, бутун Самарқанд вилоятига донғи кетганди. Хўш, бугун хўжаликнинг аввалги мавқеи, унинг ободончилиги, фаровонлигига дарз кетгани йўқми?

Пахтачи туманида бўлганимизда машҳур бободеҳқон Ш. Назаров бунёд этган бир пайтлардаги сўлим гўшани зиёрат қилайлик деганча хўжаликка ташриф этдик. Сиртдан қараганда аҳоли аввалгидек фаровон яшаётгандек эди. Қанчалаб пешона тери, маблағ, елиб-югуришлар, энг муҳими катта меҳнату тадбиркорлик эвазига бунёд этилган, ҳатто, айрим шаҳарчаларда мавжуд бўлмаган қулайликларга эга иншоотлар, маиший ва маъмурий бинолар гуё Ш. Назаров давридагидек эътибордан четда эмасдек туюлади.

Аслида-чи... Қани, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси бўлиб ишлаётган Шавқиддин Шукуровнинг гапларига бир эътибор берайликчи;

— Шу йил ҳисобидан хўжалигимиз меҳнат аҳли иш ҳақини ололмадилар, — деб гап бошлади у. — Ҳаёт шу тарзда давом этаверса, билмадик эртага нима бўлади?

«Эртага нима бўлади?..» Катта бир жамоа раҳбарининг оғзидан чиқаётган гап бу! Кўпчиликка, юртдошларига ибрат бўладиган одам ҳаётга шубҳа билан қарайди. Яна «иш ҳақини ололмади», дейди-я. Хўп, бунга ким айбдор! Бу ҳақда жиндак бўлсада ўйлаб кўрдимикин?

Биз ишбилармон, тадбиркор кадрлар раҳбарлик қилаётган хўжаликларда ишлар ўнгидан келаётганлигининг кўп бор гувоҳи бўлганмиз. Аввало, улар ҳозир ўтиш давридаги қийинчиликларни рўкач қилаётганлари йўқ, муҳими, уларнинг кўпчилиги иш юритишнинг сирларини чуқур ўзлаштириб, кексаларнинг, бободеҳқонларнинг маслаҳатларига амал қилиб, барча соҳаларда ижобий силжишларга эришмоқдалар. Нима учун бу жамоа сардорининг фиғони фалакда? Тадбиркорлик билан ишни ташкил этса бўлмайдими?

Икки-уч йил олдин вилоят, қолаверса, республика миқёсидаги қишлоқ хўжалигига оид семинар-кенгашлар кўп ҳолларда шу жамоа хўжалигида ўтказилар эди. Бунда, албатта, собиқ раис, марҳум Ш. Назаровнинг ҳиссаси беқиёс эди. Чунки бу ерда қад ростлаб турган, замонавий типда қурилган, ҳар бири икки қаватли юзлаб турар жой бинолари, ёшлар уйи, ҳаммом, клуб, кутубхона, мактаблар, болалар боғчалари, кинотеатр, кексалар чойхонаси каби бинолар яна беш минг ишқибозни қабул қила оладиган футбол стадиони ва бошқа спорт мажмуалари бунёд этилгандиқи, булар шу халқнинг, хўжаликнинг эндиликда мулкига айланди.

Ана шу мулк айни кунда қай аҳволда эканлиги билан қизиқдик. Маълум бўлдики, ҳалитданоқ турар жой ва бошқа турдаги биноларни қишда иситиш иссиқлик узатиш тармоғи ишдан чиқибди. Ўтган йилдан бошлаб ҳар ким ўз ҳолича иситиш тармоғини юргиза бошлабди. Яна қанчадан-қанча иншоотлар эътибордан четда. Масалан, беш минг томошабинга мўлжалланган стадион қаровсиз аҳволда. Ўтириш жойларидан тахталар қўпориб олиб кетилган, қолганлари эса синиб ётибди. Стадионнинг кириш дарвозасига қараб бўлмайди.

Хўжаликнинг «Хумор» футбол командаси бор экан. Маълум бўлишича, команда 1990-91 йилларда республикамиз миқёсидаги командалар ичида куч синаша олган. Лекин кейинги пайтда тадбиркорликнинг кушандаси эътиборсизлик, лоқайдлик гирдобига ўралашган хўжалик сардорларининг айби билан команданинг бундай доврўгини асрай олишмаган. Агар команда учун арзимас маблағни аяшмаганда, балким, улар ичидан ҳам моҳир футболчилар етиқиб чиқиши мумкин эди...

Биз «лоқайдлик» иборасини ишлатдик. Ҳақиқатан ҳам хўжаликда бу дард ҳаммадан раҳбариятни кўпроқ оғушига олган. Чунки хўжаликнинг номи аллақачонлар туман ҳокимининг қарорига биноан шу ернинг довруғини атрофга ёйган инсон — Шамси Назаров номи билан юритила бошланган бўлса-да, ҳеч қаердаги битик ва ёзувларда эски номни ўзгартирилганлигини кўрмадик. Ҳатто, хўжалик муҳри, тамғалари ҳам эскича эканлигига гувоҳ бўлдик. Мана шуларни лоқайдлик демай бўладими, ахир.

Тўғри, ишбилармонлик ҳамманинг қўлидан келавермайди. Унинг ўзига яраша ҳаловатсиз кунлари, машаққатлари бор. Демак, Шамси ота ана шундай ҳаловатдан воз кечиб, машаққатлар эвазига халқи учун жаннатий гўша бунёд этган экан, ўша гўша халққа ҳали кўп йиллар хизмат қилиши, укувсиз раҳбарлар қўлида аста-секин харобага айланмаслиги лозим.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партия ва ҳаёт

ДАВР СИНОВЛАРИДАН ЎТИБ...

Бошланғич партия ташкилотлари туман партия кенгаши таянчи. Партия сафлари илғор кишилар, хизматчилар, деҳқонлар, механизаторлар ҳисобидан тўлдирилмоқда. Ўтган йили 209 киши партия аъзолигига қабул қилинди. Туманимизда 9 миллат вакилларидан иборат 1500 дан кўпроқ партия аъзоси 38 бошланғич, 42 цех партия ташкилотларида жипслашган. Уларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида фаол қатнашмоқдалар.

Фермер-деҳқон хўжаликларини ривожлантиришда бир қатор ишлар амалга оширилди. 82 та фермер хўжалигида 956 бош қорамол, 221 бош йилқи, 226 бош қўйэчки, 100 бошдан зиёд чўчқа парвариш қилинмоқда. Ўтган йили ана шу фермер хўжаликлар давлатга 13 тонна гўшт, 70 тонна сут топширдилар.

Партия аъзолари раҳбарлик қилаётган бир қатор бригадаларда ўтган йили 1993 йилга нисбатан гектар бошига 3-5 центнердан ошириб шоли ўриб олинди. О. Қаллибеков, И. Оймурзаев, А Мамбатмуродов, К. Кулекеев каби ўнлаб бригада ва звеноларда 42—45центнердан шоли йиғиштирилди. Бу бригадалар бу йил кўкламга яхши тайёргарликлар билан келдилар. Улар гектар бошига 48—50 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилдилар.

Бозор муносабатларига ўтиш даври қийинчиликлари ва муаммоларига қарамасдан қўшимча даромадлар топишда, одамларни узлуксиз иш билан таъминлашда, халқ истеъмоли моллларини кўпроқ ишлаб чиқаришда, аҳволни ижтимоий ҳимоя қилишда партия кенгашимиз туман ҳокимлиги билан ҳамкорлик қиляпти. Туман хўжаликларида беш жойда ҳар бири йилига 2,5 миллион дона ғишт, уч жойда гилам, палос тўқийдиган, сабзавот консерва, 15 жойда шоли оқартирадиган цехлар ишлаб турибди. Булардан ташқари шоли сомонидан қурилиш плиталари ишлаб чиқарадиган, йилига 20 минг донадан кўпроқ қўй терисини қайта ишлайдиган цехлар ҳам фаолият кўрсатяпти. Ўзбекистон ХДП аъзолари М. Тожимуродов, Д. Мусаев, А. Аблакимов раҳбарлигидаги кичик корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар халқимизга манзур бўлмоқда.

Туман ва овул аҳолисининг ичимлик суви билан таъминлаш, газлаштиришда ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Ўтган йили 18 километр масофага газ қувурлари ётқизилди ва кўплаб хонадонлар газлаштирилди. Аҳолининг 80 фоиздан кўпроғи ичимлик суви билан таъминланди. Туманда ва овулларда аҳолини ичимлик суви ва газ билан таъминлашни тубдан яхшилашда барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийларини, ногиронларни, кам таъминланган кўп болалик оилаларни, боқувчисини йўқотган ёлғиз қарияларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатмоқдамиз.

Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан қизиқарли тадбирларни белгилаганмиз.

Партия ташкилотлари ва партия аъзоларининг жанговарлиги, ишчанлиги, ташаббускорлиги, фаоллигини оширишда туман партия кенгаши ва унинг бюроси амалий ишлар олиб бормоқда.

Қидирниёз ДЎСНАЗАРОВ,
Ўзбекистон ХДП Қораўзак туман кенгаши биринчи котиби.

ЎЗ ЎРНИМИЗ БОР

Ҳаётимиздаги муваққат қийинчиликларга қарамай, одамларимиз орасидан меҳр-оқибат кўтарилмаганига шукр қиламан. 541 оилани бирлаштирган бизнинг маҳалла аҳли тотув ва иноқ яшамоқдалар. Маҳалламизда жиноят, оилавий қўйди-чиқди, деган гаплар умуман йўқ. Маҳалламиз оқсоқоли И. Зайнитдинов дини исломдан хабардор бўлган мўътабар отахон. Ёшларимиз у кишининг ўгитларига қулоқ тутишади. Бизни турли ҳашарлар, тўй, маъракалар бирлаштириб туради. Ҳаммамиз биргаликда кўча четларига ниҳоллар ва дарахт кўчатлари ўтказдик. Ариқларни тозалаб, сув келтирдик. Мустақиллик боғини кенгайтирдик.

Маҳалламизда умргузаронлик қилаётган партия фахрийлари Дўлан бобо ва Пўлат бобо асли ўқитувчи бўлишган. Уларнинг иззат-ҳурматлари жойида. Бизда каттага ҳурмат, кичиккга иззат, деган ҳикматга доимо риоя қилинади. Байрамларни қизиқарли ўтказяпмиз. Дастурхон безатиш, келин салом, алла айтиш, пазандалик бўйича кўриклар ўтказилаётир. Айниқса, чанқовуз чалиш мусобақаси ғоят мароқли ўтди.

Буларнинг барчасида партиямиз аъзоларининг ўз ўрни бор. Бошланғич партия ташкилоти саркори сифатида мен тақдирим ана шундай бағри кенг кишилар билан боғлиқлигидан мамнунман.

Сайёра ҚОДИРОВА,
Нишон туман Навбаҳор маҳалласи бошланғич партия ташкилоти котиби.

ТАШАББУСКОРЛАР

Жиззах шаҳридаги пайпоқ тўқув корхонасида партия аъзолари сони ортиб бормоқда. Ўтган йили 22 нафар ишчи партия сафига кирганди. Шу йилнинг дастлабки ойларидаёқ беш нафар йигит - қиз партияга ўтиш учун ариза берди.

Бугунги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари кўпаймоқда. Пайпоқ билан бир қаторда халат , гилам, арқон тайёрланиб аҳолига сотиляпти. Партия аъзолари ташаббусни қўлга олиб, тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишини ўз зиммаларига олдилар, — деди бошланғич партия ташкилоти котибаси Саодат Нарзиқулова.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ КОТИБ САЙЛАНДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Ўзбекистон ХДП Тўрткўл туман кенгашининг навбатдаги пленумида ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Я. Рўзимбетов туман партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод қилинди.

Тўрткўл шаҳар ҳокимининг биринчи муовини лавозимида ишлаётган З. Раззоқов ЎзХДП Тўрткўл туман кенгаши биринчи котиблигига сайланди.

Пленумда ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши биринчи котиби А.Асанов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот йўли — тараққиёт йўли

ЮТУҚ — ИШ БИЛГАННИКИ

Чирчиқ қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш бирлашмаси икки йил олдин иқтисодий кўрсаткичлар бўйича республикамизда энг қолоқ корхоналар қаторига тушиб қолди. Бунга асосий сабаб — бирлашма 80 фоиздан ошиқ хом ашёни Ҳамдўстлик мамлакатларидан келтирар, бироқ ўзаро ҳамкорлик алоқаларида узилиш юз берганди.

Ҳамидулла Тожибоев мазкур корхонага раҳбар бўлиб келгандан кейин эса ишлар юришиб кетди. Янги раҳбар ишни нимадан бошлади? У аввало ички имкониятларни ишга солишга, маҳаллий хом ашёдан кенгроқ фойдаланишга эътиборни қаратди. Оқибатда заводнинг иқтисодий кўрсаткичларида, ишчи ва хизматчиларнинг турмуш тарзида ижобий томонга силжишга эришилди.

Корхона айни уруш кетаётган — 1942 йили Россиядан «Россельмаш» заводи кўчириб келтирилиши билан бунёдга келган эди. Ўтган даврда бу ерда қишлоқ хўжалигининг турли экинлари учун жуда зарур: пахта, сабзавотларни етиштириш ва йиғиштириб олишда деҳқонларнинг оғирини енгил қиладиган машиналар, мосламалар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жумладан, пахтакорларга СКО — 3,6 маркали кўсак йиғиш машиналари, УКУ — чизель ва КХУ — 4 маркали пахта культиваторлари, ЧККУ — чеканка машиналари, сабзавоткорлар учун эса КОВ — 4 маркали культиваторлар ишлаб чиқара бошлади. Ҳозир корхона ер ҳайдашда қўлланиладиган турли омочларни ҳам тайёрлаб бермоқда.

— Эндиги навбатда қиладиган ишимиз фақат талаб ва таклиф асосида, — дейди завод директори Ҳамидулло Тожибоев.— Маҳсулотларимизга республикамизнинг барча турдаги хўжаликларининг талаб-эҳтиёжларини билиб, буюртмаларни бажариш йўлида меҳнат қиляпмиз. Буюртмаларга керак бўладиган хом ашёни эса жойлардан йиғилаётган металл қолдиқлари, темир-терсак чиқиндиларини қайта ишлаш йўли билан қоплаяпмиз.

Бирлашмада айни кунларда янги маҳсулотлар тури ҳам кўпаймоқда. Масалан, қишлоқ хўжалиги техникалари учун жуда зарур бўладиган шарчаларни хўжаликлар илгари Россиядан олиб келишар эди. Корхона пўлат қуйиш цехида диаметри 60, 120. мм шарчалар чиқарилиши йўлга қўйилгач, четдан бундай маҳсулот келтиришнинг ҳожати қолмади. Мутахассислар фикрича Россиядан олиб келинган шарчалардан корхонада тайёрланаётган шарчаларнинг устун томонлари ҳам бор экан. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу ноёб маҳсулотни ишлаб чиқариш учун минг тонна буюртма олинди. Янги маҳсулотлардан яна бири идора қоғоз елими бўлиб, унга республикамизда талаб катта. Бу елимни тайёрлашда Чирчиқ шаҳридаги «Химстим» илмий-техник маркази директори Ҳаётилла Исоқов корхонага яқиндан ёрдам беряпти.

Бозори чаққон бўлаётган ушбу қоғоз елим истеъмолчиларига маъқул келди. Чирчиқсавдо бошқармаси, Фарғона давлат университети ҳамда Андижондаги «Курант» номли кичик корхона ва бошқа шу сингари кўплаб ташкилотлар четникидан қолишмайдиган қоғоз елимининг дастлабки харидори бўлишди.

Бирлашма аҳли яқин орада Олмония ишбилармонлари билан ҳамкорликда уч қаторли омоч ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқчи.

Маъмуржон УМРЗОҚОВ.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚИСҚАРДИ

Сўнгги икки йил ичида Озарбойжонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 20 фоизга қисқарган, дейилади халқаро валюта жамғармасининг бу мамлакатга 46 миллион доллар миқдорида кредит бериш арафасида тарқатган хабарида. Тоғли Қорабоғ муаммоси мамлакатда ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва пулнинг қадрсизланишининг ўсишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунингдек, Грузия ва Чеченистондаги вазият ҳам транспорт алоқаларининг бузилишига олиб келди.

МАШҲУР ҚЎШИҚ МАДҲИЯГА АЙЛАНДИ

Бурятия Республикаси халқ парламенти сессияси мажлисида Буратия давлат герби, мадҳияси ва давлат нишонлари тасдиқланди. Энди республика гербида миллий тимсоллар рамзи туширилади. Шунингдек, унда байкал тўлқинлари, тоғлар рамзи акс эттирилган. Бастакор А. Андреев ва шоир Д. Жалсаровнинг халқ орасида машҳур «Тайгаларга, саҳроларга, кўлларга бой ўлка» қўшиғи давлат мадҳияси сифатида қабул қилинди.

ВАЗИРНИНГ ТАШРИФИ

Куба ташқи ишлар вазири Роберто Робайно май ойида ҳамдўстликка аъзо бир неча давлатларга ташриф буюради. Куба ташқи сиёсат маҳкамасининг вакили М. Альфонсо шу ҳақда журналистларга маълум қилди. Унинг айтишича, Роберто Робайно аввало, Россия Федерацияси ва Украина Республикасига сафар қилади. Сўнгги пайтда икки томонлама алоқаларни фаоллаштираётган Қозоғистонга сафар қилиш ҳам режалаштирилган.

ПРЕЗИДЕНТ -- ФАХРИЙ ДОКТОР

ТБИЛИСИ. Эрон Ислом Республикасининг Президенти Али Акбар Хошимий-Рафсанжонийнинг Грузияга расмий сафари маданият, фан ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланиши билан ниҳоясига етди.

Сафар давомида Эрон Президентига Тбилиси давлат университетининг фахрий доктори унвони берилди.

ЖИНОЯТЛАР АВЖ ОЛМОҚДА

ВЛАДИВОСТОК. Приморье ўлкаси Россиянинг жиноят авж олган энг хавфли худудларидан бири бўлиб қолаётгани ўлка жамоатчилигини ташвишга солмоқда. 1995 йилнинг биринчи чорагида бу ерда жами 19 минг жиноят содир этилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига инсбатан 7 фоиз кўп демакдир.

Ўлка ички ишлар бошқармаси берган маълумотга қараганда, кўп жиноятларни чет элликлар, айниқса, Хитой фуқаролари содир этмоқда. Жорий йилнинг уч ойи ичида чет эл фуқаролари содир этган жиноятлар ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар ортган.

ФУҚАРОЛАР ТИНЧИ БУЗИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК. Американинг Оклахома-Сити (Оклахома штати) шаҳрида қуроруvчилар томонидан амалга оширилган портлаш мамлакат фуқароларининг тинчини бузиб қўйди.

Ҳозирнинг ўзида АҚШнинг 15 шаҳрида номаълум шахсларнинг кўнгироқ қилиши туфайли турли маъмурий ва муниципиал бинолардан одамлар зудлик билан кўчирилди. Ана шундай кўнгироқ натижасида Бостон метросининг 25 та бекатидан ҳам йўловчилар зудлик билан ташқарига чиқариб юборилди.

Омаха, Индианаполис ва Де-Мойнеда ота-оналар ўз болаларини маъмурий биноларда жойлашган боғчаларга бермай қўйдилар.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ислоҳот ва транспорт

ЙЎЛОВЧИ РАҲМАТ ДЕСИН...

«Андижонтранс» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси меҳнат жамоаси ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай бир қатор янгиликларни қўллашга ва бу орқали хизмат соҳасини ривожлантиришга эришмоқдалар. Биз давлат ҳиссадорлик бирлашмаси бошлиғи Мухторжон РУСТАМОВ билан иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга андижонлик нақлиётчиларнинг қўшаётган улушлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Мухторжон Рустамович, иқтисодий ислоҳотлар муҳим босқичга кирган ҳозирги дамларда бирлашмада амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Янги шароит ва талаблар транспортимизнинг улкан иш маромида ўз ифодасини топмоқда. Оғир иқтисодий қийинчиликларга қарамай, бирлашмамиз жамоаси ўз олдидаги вазифаларни пухта адо этишяпти. Шу ўринда мен «Андижонтранс»нинг бугунги нафасини белгиловчи айрим рақамларга тўхталмоқчиман: ўтган йили юк ташиш, йўловчиларни манзилларига элтиш топшириқларини ҳам яхши адо этдик. 2 миллион 808 минг тоннадан зиёд турли халқ хўжалик юклари ташилди. Ҳайдовчиларимиз шу йилнинг ҳозиригача топшириқдагига қўшимча ўн минг тонналаб юк ташишга эришди. Энг муҳим соҳа — йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш эса бу йил анча яхшиланди. Иш ҳажми ошди. Бу ўз навбатида биз ҳизмат кўрсатаётган уттизга яқин вазирлик ва идоралар таркибидаги юзлаб корхона ва ташкилотлар билан тузган шартномаларимизнинг пухта бажарилаётганлиги самараси ҳамдир.

— Албатта, бунга осонликча эришилмаган. Ютуқларнинг омили нималарда деб ҳисоблайсиз?

— Ҳозир бирон бир соҳа йўқки, бизнинг ишимизга эҳтиёж сезмаётган бўлса. Шундай экан, бирлашмамиз таркибидаги автокорхоналар ишини яхши ташкил этиш ва юритишда мутахассисларимизнинг меҳнати салмоқли бўлмоқда. Транспортнинг бугунги тақдири ўзларига боғлиқлигини улар яхши ҳис этишади. Моҳир чилангару таъмирловчиларга эгамиз. Ҳайдовчиларимиз ҳам шундай.

— Иш муваффақияти кўп жиҳатдан корхона моддий-техника базасини мустаҳкамлашга боғлиқ. Бу борадаги ишлар қандай?

— Албатта, бу олдимизда турган муҳим муаммолардандир. Мавжуд имкониятларни ишга солиш, ундан оқилона фойдалана билиш эвазига Марҳамат туманидаги 4-автобазанинг биносини битказдик. 27-автобус саройи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Асакадаги автобус-таксомотор саройи ишга туширилди. Эндиликда бошқа жамоаларда ҳам шундай ишлар олиб борилмоқда. Устахоналар замонавий анжомлар билан жиҳозлантирилянти. Шу билан биргаликда шоҳбекат ва бекатларга эътибор тобора кучайтирилянти. Ўтган йили Жалолқудуқ туманида бутунлай янгидан, бугунги кун талабларига жавоб берадиган шоҳбекат қурилиб, фойдаланишга топширилди. Яқинда эса «Жаҳон» бозорини вилоятнинг турли шаҳар ва қишлоқлари билан боғловчи бекат аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Эндиликда Шаҳрихон ва Олтинкўл туманларида қурилаётган янги шоҳбекатлар ҳам шарқона жозиба касб этмоқда. Андижон шаҳридаги асосий шоҳбекат тўла таъмирланиб, одамнинг баҳри-дили очиладиган жойга айлантирилмоқда. Шоҳбекатга сайқалланган мармар кошинлар ҳеч бир йўловчини бефарқ қолдирмайди. Миллий арк унинг қиёфасини янада очади. Андижон шаҳар ҳокимлиги ўз ҳудудидаги бекатларни алоҳида назоратга олган. Уларнинг кўпчилиги ҳокимнинг қарори билан сармоядорларга ажратиб берилган. Бу йўл билан бир хил андозадаги бири-биридан қолишмайдиган замонавий бекатлар тобора кўпайиб бормоқда. Йўловчилар жамоат транспортига чиқишдан олдин улардаги дуконлардан керакли нарсаларни сотиб олиш имкониятига ҳам эга. Вилоят ҳокимлигининг биз транспортчиларга кўрсатаётган амалий ёрдами туфайли транспорт хизмати кўрсатиш сифати яхшиланди. Ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган автомобиль ва автобусларнинг ўрнини янгилари эгалламоқда. Юздан зиёд «Мерседес Бенц», «Мерседес Белде», «Дайво» автобуслари, «Доган» русумли енгил автомашиналар йўловчиларни вилоятимиз туманлари ва мамлакатимизнинг турли шаҳарлари билан боғламоқда. Шу йилнинг бошида Украинадан келтирилган «ЛАЗ-695» русумли 19 та янги автобус ҳам аҳоли хизматида. Эндиликда бу транспорт воситаларини кўпайтириш масаласини ҳал этяпмиз.

Моддий-техника базасини мустаҳкамлашда юк транспортини ҳам унутганимиз йўқ. Бирлашмамиз тармоғидаги 84-автокорхонанинг ишлаб чиқариш биноси битказилиб, ишга туширилди. Комсомолободдаги 154, Избоскандаги 148-автокорхоналарда эса айни пайтда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Кейинги йилларда вилоятимиз улкан қурилиш майдонига айланди, десак бўлади. Асакада Жанубий Корея билан ҳамкорликда қурилаётган автомобиль заводи, «Антекс» қўшма корхонаси, Хонабод—Андижон сув йўли каби қатор ўнлаб қурилишларда ва автомобиль йўлларини таъмирлашда ҳайдовчиларимиз фаол хизмат қилмоқдалар.

— Яқин хориждаги ҳамкорлар билан алоқаларнинг узилиши боис эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги, зарур механизмларнинг танқислиги сезилаётгани сир эмас. Бу масала «Андижонтранс»да қандай ҳал этилмоқда?

— Яқин хориждаги ҳамкорларимиз ҳозирги шароитда ҳисоб-китобларнинг мавоза усулини маъқул кўришмоқда. 1994 йил автокорхоналар билан биргаликда уч мингдан ортиқ автошина, мингдан зиёд аккумулятор, эҳтиёт қисмлар, газ ва газ конденцати олиб келдик. Москва ва Горький шаҳарларидаги автомобиль заводлари, Красноярск ўлкаси ва Томскнинг шина заводлари, Толдиқўрғон аккумулятор заводида тайёрланган бу маҳсулотлар транспорт воситаларимизни узлуксиз ишлашини таъминлаяпти.

— Транспортчиларнинг меҳнат шароити, ижтимоий муҳофазаси масалалари-чи?

— Ижтимоий соҳаларга эътиборни назардан қолдираётганимиз йўқ. Сўнгги йилларда Андижон, Асака, Шаҳрихон ва Пахтаобод туманларида автотранспортчиларнинг фарзандлари учун тўртта болалар боғчаси қурилиб, ишга туширилди. Уларда эндиликда 600 нафардан зиёд кичкинтойлар тарбияланяпти. «Ёш автомобилчи» согломлаштириш оромгоҳи ёзги мавсумга тайёрланмоқда. Яшаш шароитини яхшилашга муҳтож бўлганлар учун янги уй-жойлар қуриляпти. Ўтган йили 2511-автожамланма ходимлари 32 хонали янги уйга кўчиб кирдилар. Бу йил улар Андижон автокомбинати билан биргаликда яна шунча оилага мўлжалланган турар-жой биносини тиклашмоқда. Барча автокорхоналаримизда яхши жиҳозланган дам олиш хоналари бор. Пархоналар мавжуд. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун шароитлар етарли.

Келгусидаги режаларимиз ҳам аниқ. Соҳани ривожлантириш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш. Автомобиль траспорти оғир, уз навбатида шарафли тармоқ. Ишимиз халқ хизматида бўлиш билан боғланган экан, бундан бахтиёрмиз ва масъулиятимизни асло унутмаймиз. Мақсадимиз ҳам шу: йўловчи раҳмат деса, мижознинг кўнгли тўлса.

Суҳбатдошлар:
Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Суратларда: 1. Андижон шаҳридаги 2511-автожамланма ҳайдовчилари йўлга чиқиш олдидан катта нозим Жўрабой Боқиев билан бирров гурунглашишни одат қилишган. 2. «Андижонтранс» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси бошлиғи М. Рустамов. 3.Жалолқудуқда қад ростлаган бош бекат.

Умид РАҲИМОВ олган суратлар.

„Мулоқот" МЕҲМОНИМИЗ

«Мулоқот» журнали аввало, истиқлол жарчиси сифатида муштарийлар эътиборини тортди. Унинг илк сонларидаёқ мустақиллик мафкурасини яратиш ва маънавият масалалари кенг ёритилди. Қадриятларимизни тиклаш, Туркистоннинг буюк кишилари ҳаёти ва аъмоллари билан халқимизни таништириш, шунингдек, тарихимизнинг қизил парда ортида сақлаб келинаётган бебаҳо дурдоналарини оммалаштиришда катта ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши муассислигида чиқаётган журналнинг 3-4 сонларидаги мақолалардан парчалар эълон қилинмоқда.

Мустақиллик кенгликлари

Узбекистон давлат мустақиллигига эришганидан буён ўтган давр ичида унга жаҳоннинг диққат-эътибори ошди ва унинг тараққиётини қайси йўлидан кетиши халқаро аҳамият касб эта бошлади. Умуман олганда Узбекистоннинг 1991 йил август охирида мустақил давлат деб эълон қилиниши ҳақиқатан ҳам И. Каримовнинг сиёсий жасорати эди, зеро август фитнаси фош этилиб бостирилган, марказий раҳбариятнинг кучи ниҳоятда заифлашган бўлса-да, СССР мавжуд, унинг Президенти Горбачев, СССР халқ депутатлари съезди, Олий Кенгаши тўлиқ фаолият кўрсатаётган эди. Бинобарин Президент И. Каримов бошчилигидаги республика раҳбарияти ўлим тўшагида ётиб, лекин яна қайтадан кучга кираётган қизил империяга аёвсиз, ҳал қилувчи зарбани кутилмаганда берди, десак муболаға бўлмайди. Президентнинг сиёсий зийраклик билан берган бундай зарбаси СССРни тарқатишнинг бош сабабларидан бири бўлдики, буни ҳали тарихчилар, сиёсатшунослар, келажак авлод чуқур таҳлил этишлари ва шарҳлашлари зарурдир. Фақат шу фактнинг ўзиёқ мустақиллик бизга осонгина, курашсиз қўлга киритилди, деганларга жавобдир. Ахир Президент ўз ҳаётини, оиласи ва болалари ҳаётини, сафдошлари ва халқи ҳаётини маълум даражада хавф остига қўйган бўлса-да, етти ўлчаб бир кесиб, мазкур тарихий шароитда энг тўғри сиёсий ечимни — мамлакат мустақиллигини эълон қилган эди-да. Бу ечимни 1991 йил августидан олдин ҳам, кейин ҳам ҳеч ҳам қабул қилиб бўлмасди. Модомики бу ечим муҳолифат талаб этгандай олдин қабул қилинганда эди, Узбекистон халқи, унинг раҳбарияти «бир гуруҳ экстремистлар»га ўз-ўзидан айланган ва шу сабабли марказ томонидан Тошкентга худди Олмаота, (1986 й.), Тбилиси (1989 й.), Боку (1990 й.), Вильнюс (1991 й.) шаҳарларига киритилгандек совет

Исмоил ОЛЛАЁРОВ

ДЕМОКРАТИК СИЁСАТ САМАРАСИ

танклари киритилган ва натижада халқнинг энг илғор қисми қатағон қилинар эди. «Узбекларнинг янги иши» бошланарди. 1991 йил август фитначиларининг сардори Янаевнинг Тошкентга келиб, Узбекистон Коммунистик партиясининг 1991 йил январидаги Пленумида қилган дўқ-пуписаларга тўла нутқи мазмуни мазкур фикримизнинг тўғрилигини яққол исботлайди. Бордию Узбекистон мустақиллиги 1991 йил 31 августда эмас, ундан кейинроқ эълон қилинганда эди, империя ўлим тўшагида ётса-да, ўз нафасини ростлаб олган ва бинобарин «СССР территориясида фақат СССР қонунлари амал қилади», — деб, мустақилликка олиб келиши мумкин бўлган барча «эшик» ва «тешик»ларни беркитган бўлур эди. Натижада мустақиллик халқимизнинг саробий орзуси бўлиб қолаверарди.

Давлат бошлиғининг энг зўр хислати, бизнингча, у ёки бу тарихий шароитда мамлакат тақдирини халқ ҳаётининг истиқболдаги фаровонлигини белгилаб берадиган энг тўғри сиёсий ечимни қабул қила олишида, Президентимиз Узбекистон мустақиллиги тўғрисида ечим қабул қилганда худди шу ажойиб хислатга эга эканлигини амалда яққол кўрсатди ва миллионлаб ўзбек ва қардош халқлар вакилларининг империявий зулмдан озод этишга ўзининг улкан ҳиссасини қўшди.

Узбекистоннинг мустақил давлат сифатидаги тараққиёти тўғрисида гап кетар экан, аввало унинг олдида 1991 йил сентябрида қўйидаги учта тараққиёт, аниқроғи яшаш йўли бор эканлигини таъкидлаш лозимдир: 1) Коммунистик ёки нокоммунистик йўл; 2) Ислом ақидапарастлигига асосланган ҳаёт йўли; 3) Демократик тараққиёт йўли.

Ўзбекистон охирги 135 йил давомида қатағонлар майдонига айланган, унинг ҳудудида вақти-вақти билан халқини титратиш ниятида турли баҳона ва сабаблар рўкач қилиниб, оммавий қирғинлар ўтказилар, натижада миллатнинг энг асл фарзандлари, эрк ва истиқлолпарварлари йўқ қилинарди. Чунончи, фақаттина совет даврида 20-йилларда «дашноқлар», 30-37-йилларда «кулаклар», 80-йилларда «ўзбеклар иши» деб аталмиш қатағонлар атайлаб уюштирилган эди. Буларнинг барчаси баъзилар ҳозир ҳам зўр бериб тушунтираётгандек КПСС, совет раҳбарияти амалга ошираётган умуман тўғри сиёсатнинг қўпол тарзда бузилиши натижаси эмас, аксинча аслида большевиклар юритган сиёсатнинг мантиқий, лекин халқдан пинҳон тутилган асосий принципларидан бири эди. Зеро, большевиклар сардори Ленин ҳатто гражданлар уруши тугаб, мамлакат энди тинч ва осойишта ҳаётга қадам қўяётган 1922 йилда ҳам таъкидлганидек, зўравонлик большевиклар идеали бўлмасада, улар усиз умуман яшай олмас эдилар. Бинобарин, халқни, қўрқмасларнинг эътиқодлиларни титратиш учун шундай қатағонлар қилиндики, бу қатағонларни, Ленин айтганидек, «юзлаб верстдаги халқлар кўрди, титради» (қаранг: Д. Волкогонов, С беспощадной решительностью. — Известия, 1922 йил 22 апрель, 3-бет). Совет даврида барча халқлар, айниқса мазлум Туркистон халқлари ёпасига қулликка маҳкум қилинганди. Профессор Ҳ. Зиёев «Мулоқот» жарналининг 1993 йил 9/10 сонларидаги «Совет даврида қандай тузум ҳукм сурган?» номли мақоласида тўғри таъкидлаганидек, албатта совет қуллари қулдорлик ёки феодал муносабатлар ҳукмрон бўлган давридаги қуллардан анчагина фарқ қиларди. Айни пайтда профессор кўрсатиб ўтган фарқлар, бизнингча, асосий фарқлар эмас, балки иккиламни, асосий фарқлардан ҳосилалардир. Совет қулларининг тўм маънодаги қуллигининг ҳақиқий белгиси шунда эди-ки, мулкнинг 96,5 фоизи давлат тасарруфида бўлганлиги учун аҳолининг барча қатламлари, жумладан олий даражадаги раҳбар ва мутахассислар ҳам давлатга тўлиқ қарам, барчанинг ёлгиз боқувчиси давлат ҳисобланарди. Давлат имконият яратса (маош, лавозим, турли-туман имтиёзлар ва ҳоказолар берса) яшар, бола-чақаларини боқар, имкон бермаса, айниқса норози бўлса оиласи у ёқда турсин, ўз қорнини ҳам тўйдира олмас эди. Мамлакатда шундай сиёсий-иқтисодий ва бошқарув механизми яратилган эдики, унда халқ давлатни эмас, балки давлат халққа тегишли бўлган мулкка (ерга, сувга, қазилма бойликларга) ва халқ яратган маҳсулотлар ва бойликлар ҳисобига халқни боқиб келмоқда. эди...

Муҳаррир минбари

ОЙДИН КУНЛАР УМИДИ

Кечаги ҳаётимизда унча-бунча гапни аччиқ истеҳзо билан рамзий шаклларда фақат ҳажвчилар айтадилар, холос. Ўша ҳазиллардан биттаси ҳеч эсимдан чиқмайди. Эмишки, бузуқ шаҳар ҳавосига ўрганган киши тоза ҳавога чиқибди-ю боши айланиб ҳушидан кетибди, ўзига келтириш учун унга машинанинг тутунини искатишибди. Сиқиқ, турғун ҳавога ўрганиб кетган бизлар учун ҳам озодликнинг нашъали ҳавосини ҳазм қилиш осон эмас. Чунки нисбатан бехатар, кафолатланган қафас шароитидан фарқли ўлароқ мустақил тирикчилик хийла оғирдир. Бунда бурун ҳам қонайди, бош тошга ҳам тегади, зўрдан зўр чиқиб зулм ўтказиши ҳам мумкин. Бироқ инсон яралибдики, машаққатлари, азоб-уқубатларидан қатъи назар фақат эркни, озодликни қўмсайди, бу йўлда ҳеч нарсадан тоймайди, ҳатто жондан ҳам кечади. Бугун биз тўқнашаётган қийинчиликлар шубҳасиз чин ҳурриятнинг бехато аломатлари. Қолаверса, қийинчиликларнинг ўзи тирикликнинг зарурий шартидир, зеро фақат тўсиқларни енгиб,зиддиятларда чиниқиб, курашларда тобланиб инсон инсон бўлган.

Бугун ўзлигимизни англаётган, ўзбекчиликка тимсол қидираётган бир пайтда хаёл бизларни нуқул Темурийлар ёки Навоийлар замонларига олиб кетиб қоляпти. Шу бугунги дунёқарашимиз, савиямиз, турмуш тарзимиз билан биз ўзбек миллатининг энг шавкатли даврларини қўмсаяпмиз. Сиз, йўқ, биз жаҳоннинг йирик мамлакатларидан бирининг авлодимиз ва лоақал шу сифатида юксакроқ чўққиларни нишонга олишга маънавий ҳаққимиз бор. Бироқ унутмаслигимиз керакки, ўзбек жаҳонга донг таратган ўша қутлуғ асрларда эркак эркаклигини, аёл аёллигини қилган, юрт ва юртдошлари, оила ва оиладошлари олдида ҳар ким ўз бурчини бекаму кўст ўтаган. Ҳатто минг бора қораланган, лаънатланган «ичкари» ҳам миллат манфаатларига хизмат қилган. Негаки, аёлларнинг оила доирасида табиат юклаган мақсадларга тўла хизмат қилишларига замин яратган. Аждодларимизнинг жаҳоншумул, бугунги кунимизга ҳам татиётган обрўси аксаран фидойи аёлларнинг, оналарнинг меҳр-оқибатлари, оналик заҳматлари самарасидир.

Ҳолбуки, сўнгги аср ўзбек насли учун оғир келди. Юртимизда табиатимизга тамоман ёт бўлган ўзгача муҳит қарор топди. Ўтмиш мустабид тузум қусурлари, ҳар хил номаъқул одатлар (ичкиликбозлик, қариндошлараро никоҳлар ва ҳоказо) экологик таназзул халқимиз ирсиятига фалокатли таъсир қилди. Байроқ қилиб кўтарилган интернационализм кишиларнинг ўз миллати ва миллий қадриятларига нописандлик билан қарашларига олиб келди. Коллективизм ниқоби остида эса бутун бир халқ аста-секин тўда унсурларига айлантирилганини пайқамай ҳам қолдик. Хотин-қизларнинг «озод» этилиши соғлом оилавий, тарбиявий анъаналарнинг емирилишига туртки бўлди. Оқибатда ўчоқларимиз совиб биз масъулият ҳиссини йўқотган, рўзғор тебратишга ноқобил юзаки эркакларнинг ғаройиб навини, ўзининг азалий, табиий вазифаларидан безиб, «озодлик» берган нашъу намоларнинг мазасини олган аёлларнинг янги ўйинқароқ тоифасини яратдик, ота меҳрига тўймай қаровсиз ўсган бир неча авлодга эга бўлдик.

Одам боласи қаҳрамон ёки золим бўлиб туғилмайди. Яхшилик уруғи ҳам, ёмонлик уруғи ҳам унинг онгига оилада ташланади. Оила аъзолари таъсирида оилада мавжуд тушунчалар таъсирида унинг маънавий қиёфаси шаклланади. Зотан, оилавий турмушнинг асосий мазмуни ва бош мақсади — бола тарбиясидир. Тарбия илмида таъкид этилишича, тарбия жараёнининг 90 фоизи бола беш ёшга тўлгунга қадар кечади. Хориждаги энг сўнгги тадқиқотларга кўра эса айни шу паллада бола ёнида она бўлиши шарт. Акс ҳолда унинг жисмоний ва маънавий саломатлигига жиддий путур етади, ҳатто тез қариш ёки қаримаслик сингари аҳамиятсиздек жиҳатларга ҳам салбий таъсир қилади. Мисол тариқасида фалак гардиши билан гўдаклигида ҳайвонлар чангалига тушиб, омон қолган, лекин сўнгра на инсон тилини, на инсон одатларини ҳеч қандай чора-тадбирлар билан ўзлаштиролмаган болаларни эслатиш кифоя.

Шу нуқтаи назардан қараганда болаликда етказилган ақлий, фикрий зиённи кейинчалик ҳеч нима, ҳатто ўрта ва олий маълумот ҳам қоплаёлмаслиги бугун мутлақо аниқ. Хулоса қилиб айтганда, она ўрнини на муассаса, на тарбиячи боса олади.

Ҳаёт олдимизга тобора мураккаброқ талабларни қўймоқда. Келажакни бизнинг болаларимиз қуради. Бугунги кунимиз ворислари, эртанги кунимиз эгалари — ўшалар. Шунинг учун болалар тарбиясини истиқбол кишилари тарбияси деса бўлади. Бундай тарбия эса инсоннинг ҳар томонлама такомилини, маънавий хислатларнинг тараққиётини, истеъдодларнинг равнақини назарда тутиши керак. Дастлабки қадамлариданоқ ёш мустақил давлатимизнинг болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганининг боиси шу. Ёш авлод тарбияси масалалари ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб, муайян тадбирларда ўз ифодасини топмоқда. Агар биз фуқаролар ҳам шу руҳда якдил ва ҳамжиҳат ҳаракат қилсак бу билан Ватанимиз эртаси пойдеворини мустаҳкамлаган бўламиз.

Ҳикмат СОБИРОВ

Амир Темур давлатининг харажатлари

Шарқ мамлакатларида, жумладан Марказий Осиёда ижод қилган мутафаккирларнинг иқтисодий мавзулардаги асарлари билан танишар эканмиз, уларда мамлакатнинг қучқудрати ҳақида фикр юритилганда асосан ҳудуднинг катталиги, аҳолиси, табиий имкониятлари, лашкарлари билан бир қаторда давлат ихтиёрида бўлган хазинанинг ғамламалари ҳақида сўз боради. Ҳақиқатан ҳам хазинанинг аҳволи ҳукмдорларнинг асосий диққат марказида бўлган, шунга қараб кўп ҳолларда молия сиёсатининг йўналишлари белгиланган, қолаверса, бу улкан бойликка фақат ҳукмдор эгалик қилган.

Салжуқлар сулоласининг машҳур вазири Низом ул Мулкнинг «Сиёсатнома» асарида ёзилишича, қадим замонлардан бери давлат ихтиёридаги хазина икки бўлимдан иборат бўлган: биринчиси — асосий хазина ҳисобланиб, харажат учун иккинчи хазина хизмат қилган. Жорий маблағлар тақчиллиги сезилганда асосий хазинадан қарз олинган. Лекин бу хазинани доимо тўлдириб боришга эътибор берилган. Йиллик жорий харажатлардан ортган маблағлар асосий хазина ғамламаларидан жой олган. Хазинабон (хазиначи) кирим-чиқимларни муттасил ҳисобга олиб борган, ҳукмдорга зарур маълумотларни тақдим қилган. Кўпчилик ҳолларда хазинада дефицит (тақчиллик) кам сезилган.

Европада эса биринчи бюджет Англияда XVII асрнинг 70-йилларида ва Францияда XVII асрнинг охирида тузила бошлаган эди.

Буюк соҳибқирон Амир Темур замонида жаҳонда ҳали биринчи бюджет шаклланмаган, ҳатто бу ҳақда мулоҳазалар юритилмаган, лекин унинг илк куртаклари кўрина бошлаганди. Фақат марказий хазинага келиб тушган ва унинг ҳисобидан қилинган харажатларгина эмас, балки вилоятлардаги кирим-чиқимлар ҳам ёзиб борилган. Вилоятнинг биринчи вазири туюл қилиб берилган (солиқ ва йиғим тўплаш ҳуқуқи билан инъом этилган мулк) ҳудуддан келган даромадларни, мол ашёларни кирим дафтарига, иккинчи вазир эса чиқим дафтарига ёзиб борган. Лекин

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

бу даврда бюджет каби йил бошланмасдан олдин келгуси йилда тушадиган солиқлар ва қилинадиган харажатлар режалаштирилмаган. Амир Темур давлатининг харажатлари ҳақида сўз юритилганда ўша даврнинг харажат дафтарлари сақланмагани учун Темур давлати харажатлари ҳақида тадқиқот олиб бориш учун биринчи навбатда Соҳибқирон тарихининг умумлаштирилган саҳифаларига мурожаат қилишга тўғри келади.

Молия фани талабларини эътиборга олиб, харажатларни ўрганиш учун унинг таркибидаги сарфларнинг бирбирига мос томонларини бирлаштириб, илмий асосланган гуруҳларга ажратиш талаб қилинади. Биз дастлаб барча харажатларни беш гуруҳга ажратишни лозим топамиз. Булар қуйидаги йўналишларни ташкил қилади.

1) Ҳарбий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган харажатлар;

2) Маъмурий идора ва салтанат саройи харажатлари;

3) Иқтисодий ва ободончилик мақсадларини кўзлаб қилинган харажатлар;

4) Илмий, маданий ва диний тадбирлар билан белгиланган харажатлар;

5) Ижтимоий ҳимоя харажатлари ва бошқалар.

Харажатларнинг келтирилган гуруҳи марказий давлат маҳкамаси ва вилоят маҳкамаларининг харажатларини қамраб олади. Темур ўзи ишгол қилган 27 мамлакат молиясининг бир марказдан идора қилиб, барча вилоят маҳкамалари ва тадбирларини маблағ билан таъминлашни марказий хазина зиммасига олиш қанчалик оғирлигини эътиборга олиб, вилоятларни идора қилишни ўзи белгилаган ҳокимларга, вазирларга юклади. Солиқ тизимига ўзгартириш киритишни ўйламади. «Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар», деб фармойиш берди. Шу билан бирга солиқларни тўплаш маҳаллий ҳокимларга туюл қилиб берилди. Бунда ҳокимга маълум вилоят ажратилиб, йиғилган солиқ унинг ихтиёрида қолади. Юқорида айтилганидек, туюл мулкидан келган даромад ва харажат ёзиб берилади. Даромадлар ҳисобидан пиёдалар, калакчилар, ясовуллар, ўнбоши ва юзбошиларга кўрсатилган даромадлардан маош берилган ва бошқа харажатларга маблағлар ажратилган.

Шу билан тўпланган солиқ ва йиғимларнинг маълум қисми ва туюл қилиб берилмаган мулклардан олинган солиқлар марказий хазинага топширилган. Яна шуни айтиш керакки, Амир Темур ўз давлатининг барча хазинасига эгалик қилишга қарамасдан, ўзига тегишли мулклардан ва савдо муомалаларидан келадиган шахсий даромадларга, чорва молларига эга бўлган, унинг шахсий даромадлари кўпчилик ҳолларда давлатнинг умумий харажатларини қоплашга сарф қилинган. Лекин шуни айтиш керакки, харажатларнинг миқдори ва йўналиши барча йилларда бир хил бўлмаган, уларнинг динамикасида давлат бошидан кечирган ижобий ва салбий ўзгаришлар ўз ифодасини топган. Айни вақтда асрлар давомида шаклланиб келган харажатлар билан бирга янги йўналиш ва мазмун касб этган харажатлар вужудга келган. Шу муносабат билан Темур давлатининг марказий хазинаси ва вилоят хазиналари томонидан сарфланган харажатларнинг умумий миқдорини аниқлаш осон эмас. Шунингдек тўпланган солиқ ва йиғимларни қанчаси вилоятларда сарфланган ва қанчаси марказга берилгани ҳақидаги умумий ҳисоб-китобни фақат тахминлар билан ифодалаш мумкин. Бунда фақат сақланиб қолган натура (пулсиз) кўрсаткичлардан фойдаланишга тўғри келади.

„Мулоқот" ҳафтаси

СИЗ ЯХШИ УЙ БЕКАСИМИСИЗ?

Албатта бу бир оз ҳазилона савол. Лекин барибир сиз уй ишларида ўзингизнинг қай даражада уддабуронлигингиз ва қандай уй бекаси эканлигингизни текшириб кўришингиз мумкин. Бунинг учун сизни қуйидаги саволларга жавоб беришга таклиф этамиз. Жавоблар баллар билан белгиланиб, жамланган баллар йиғиндиси бўйича хулосаланади.

1. Дейлик, сизнинг уйингизда совутгич, телевизор, кир ювиш машинаси ҳамда янги пальтонгиз йўқ. Шундай вақтда сизда шу нарсалардан бирортасини харид қилиб олишга моддий имконият яратилди.

Шунда сиз нимани сотиб олган бўлардингиз?

а) совутгич — 30 очко

б) телевизор — 5 очко,

в) кир ювиш машинаси — 20 очко

г) пальто — 10 очко

2. Сиз кийимлар жавонини тез-тез тартибга солиб турасизми? Ҳа 20 очко. Йўқ 10 очко.

3. Сиз ҳафталик уй йиғиштиришни ҳар доим белгиланган бир кунда қиласизми? Ҳа 20 очко, йўқ 5 очко.

4. Агар овқатланаётган пайтингизда уйингизга меҳмон келиб қолса, яна янги таом пиширишга уннайсизми? Ҳа 8 очко, йўқ 20 очко.

5. Тайёрланган пирогингиз куйган бўлса, ўшани меҳмоннинг олдига қўя оласизми? Ҳа 10, йўқ 20 очко.

6. Бошқа биров тайёрлаган тушлик овқатдан қониқасизми? Ҳа 15, йўқ 6 очко.

7. Сиз дўконга харид қилишга боришдан олдин зарур маҳсулотларнинг рўйхатини олдиндан тузасизми? Ҳа, 20 очко, йўқ 3 очко.

8. Сизнинг ўзингизга хос ва фақат ўзингиз тайёрлай оладиган таомингиз борми? Ҳа 15 очко, йўқ 8 очко.

9. Журналда эълон қилинган ошхонага доир маълумотларни йиғиб борасизми? Ҳа 12 очко, йўқ 6 очко.

10 Хўжалик ишларингизга турмуш ўртоғингиз ёрдам берадими? Ҳа 12 очко, йўқ 6 очко.

11. Сиз ошхонадаги идишларнинг ҳар бирининг ўз жойида туришига эътибор берасизми? Ҳа 25 очко, йўқ 5 очко.

12. Сиз совутгични хўжаликдаги энг зарур нарса ҳисоблайсизми? Ҳа 4 очко, йўқ 16 очко.

Энди жамланган очколарнинг миқдорини ҳисобланг. 155 очкогача йиғилган жавобларнинг хулосаси Сиз унчалик уддабурон уй бекаси эмассиз. Вақтингизнинг қадрига етишни билмайсиз. Агар сиз саволларга тўғри жавоб бериб 156—185 очкогача йиққан бўлсангиз демак сиз яхши уй бекасисиз. Сизнинг уйингизда ҳар бир нарса ўз жойида тартиб билан туради. Ўзингиз ниҳоятда меҳнатсевар ва ташкилотчисиз. Асосий вақтингиз уй йиғиштириш билан ўтаётган бўлса, демак сиз оилангизнинг бошқа аъзоларини тартибга ўрганишга даъват этмагансиз. Ҳамма ишни ўзингизга оласиз. Ҳали ҳам кеч эмас, бу ҳақда бир ўйлаб кўринг.

Жавоблар якуни 186 очко ёки ундан юқори бўлса сизни қуйидагича таърифлаш мумкин. Сизнинг уйингиз қойилмақом. Сиз доимий равишда ниманидир ювасиз, артасиз, тозалайсиз. Аёлларнинг хўжаликлардаги юмушларни қиёмига етказиб бажаришларидан асосий мақсад фақат яхши уй бекаси деган номни олиш эмас. Оиладаги тинч-тотувлик ҳам, меҳр оқибат ҳам кўп жиҳатдан аёлнинг оиладаги ўрни, унинг қай даражадаги уй бекалиги билан боғлиқдир.

Ғалабанинг 50 йиллигига

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

КУРСК ЁЙИ... ТЕНГСИЗ ОЛИШУВ

Темур Равшанов ўз аскар ва командирлари билан танкларини бутазорларга яшириб, автомашиналарини ерга, шох-шаббаларга «кумиб», Олий бош қумондан ставкаси заҳирасида буйруқ кутиб ётарди.

... Тепаликнинг ён бағрида жойлашган қоровул пункти фронтдагига ўхшамас, унда теварак-атрофни жанггоҳ панорамасини киноларга ўхшаб қурсатиб турадиган, стереотрубаю, тинмай «Мен Арслон... мен Арслон!» деб такрорлайдиган радио овози, бири қўйиб, бири бошлайдиган қатор-қатор телефонлар йўқ. Коридорда фармойиш элтишга ҳозиру нозир алоқа зобитлари ҳам тизилиб ўтирмасди. Ташқарида тўплар гумбурлаши-ю, тариллаган пулемёт овози ҳам эшитилмасди. Ҳавода гоҳ булут, гоҳ қуёш қуринарди холос. Бир сўз билан айтганда, тинчлик ҳоким эди-ю, аммо хотиржамлик сезилмасди. Аскарлар жойлашган ертўлаларда сиёсий машғулотлар, материал қисмлар дарси ўқитилар, полигонларда танк, бронетранспортёрларнинг жанговар машқи борарди. Ҳамма жойда осойишта, тинч ҳаёт ҳукм сурарди. Тез орада узоқ шарқий, жанубий районлардан кучириб келиб, қайта тикланиб, ишга солинган заводлардан, Урал аслаҳахоналаридан фронтга, резерв қўшинларга оҳори тўкилмаган янги танк, буёғи анқиб турган тўп ва замбараклар ортган эшелонлар устига эшелонлар кела бошлади. Пана-пана жойларда, дарахтзорларда, жилғалар оралигида янги дивизиялар тузила бошлади, жанглардаги йўқотишларнинг ўрни тикланди.

Равшанов корпуси қайта тузилиб, янгича штатга ўтди. Танк бригадалари, мотомех бригадалари, артиллерия, миномёт полклари қуролдан, техникадан, эҳтиёт қисм, ўқ-лори, ёқилғи-ю мойлагич материалларини икки-уч жангга етарли ғамлаб қўйдилар. Яна дарслар, яна машқлар, яна кутишлар...

Яна янги-янги қўшинлар, махсус ва алоҳида мақсадлар учун тузилган қисмлар устма-уст келиб Равшанов корпусининг орқа олдида, биқинларида жойлаша бошладилар. Улар ҳам Равшанов янглиг топшириқ, буйруқ ва фармойиш кутиб резервда кун ўтказардилар. Ҳеч ким, уларнинг катта командирлари ҳам, равшановчиларга ўхшаб, тақдирлари нима бўлади, ҳужум жанглариga отлан, деб қоладиларми ёки фронтни шу ерда кутадиларми, балки, душман йўлини тўсиш учун шу жойга ташландиларми, ҳеч нимани билмасдилар. Аммо жангчидан тортиб, генералларгача битта нарсага амин эдиларки, бу 1941 йил эмас, у бахтсиз чекиниш йили ўтиб кетди, энди ташаббус Қизил Армия қўлида ва уни ҳеч қандай қуч тортиб ололмайди!

— Марғилонча чой дамлаб кел, — деди Равшанов адъютантига.

У шарақлатиб қайнатиб, доғ қилиб дамланган чойни кичик пиёлага ярмидан пастроқ қилиб қуяр, унинг ҳовури пасаймай қайноғида ҳўплаб ичишни афзал кўрар ва бундан бениҳоя лаззатланарди.

Кутишнинг бетайин, бепоён чўзилишидан Равшановнинг асаби таранглашарди. Унинг назарида шунча куч, шунча қурол ишлатилмай ёғ ёнглаб қолаётгандай эди. Айниқса аскарлар зерикиб қолгандай эди. Штабда рация ҳам ипламас, қисмлар билан буладиган ҳамма муомала алоқа зобитлари, чопарлар, дастёрлар — жонли одамлар орқали олиб бориларди. Равшанов бўлса янги жанглар тўғрисида ўйларди. Шу маррадами, ундан олдинги позициядами, ишқилибки, у яқинлашиб келаётган олишувлар тўғрисида фикрларди. Уни кутаётган жанглар бундан аввал олиб борган жангларининг бирортасига ўхшамасди.: на 1941 йилги Ельена жанглари, на Малинадаги тенгсиз, қонли олишувлар, найзабозлик, пичоқбозлик Москва бўсағасидаги-ю, Дон бўйи ва на Сталинград деворлари остидагилар бўлажак жанглар-нинг репетицияларидай бир гап бўлиб қолганди. У олиб борадиган эндиги жанглар қўлами ва миқёси, унда қатнашувчи техника миқдори ва сифати эътибори билан урушнинг чўққисидай, довонидай баландликда эди. Равшанов буни ўзича тасаввур қилгани сари унинг ташвиши ортарди.

Ниҳоят, кутилган жанглар бошланиб кетди. Равшанов ўз штабини Курск ёйидаги совхоз боғига кучириб олди. «Жангларни бошқаришга қулай жой...»

Боғ ҳали жанг қургани йўқ. Бутазор ҳозирча яшил, кўкатлар яшил, гуллар ҳам очилиб турибди, йўлдан нари,қўздан узоқ, жанг кўрмаган жой бўлгани учун шундай. Бу ерга штабни кучириб келувчилар ҳам унинг чиройини бузишгани йўқ. Одамлар ҳам жуда кам қуринади, у ёқ-бу ёққа беҳуда юрувчилар йўқ, ҳамма ўз иши билан овора. Йўлакчаларда ҳам оёқ изи қуринмайди. Аммо қурсатув белгилари бармоқ чўзиб «Палатка N 6" ёки «Ертўла N 3» деб турибди. Шундан маълумки, ташидан ёввойи бўлиб қуринган бутазор ичида одам яшайди, унда ҳаёт бор. Унга киши билмас даражада вездеходлар кириб-чиқиб турибди — алоқа зобитлари қўшинларга фармойишлар олиб кетяптилар, вазият маълумотларини олиб келяптилар. Хашаклар орасида илон изи қуринади, — ғуё чувалчанглар ўрмалагандай телефон симлари чўзилиб ётибди. У симлар ташидан жим қуринса-да, ичи гала-говур — қисмлар билан штабчилар тинмай гаплашиб турибди. Штабчилар ертўла ва капаларда столларга ёзилган хариталарга энгашиб, вазиятни харитага туширмоқда. Генерал алоҳида вазиятни кутяпти.

Равшанов корпуси ва унинг қудратли гвардиячи танклар армияси урушга кирадиган жанггоҳ фашист генерал-полковник фон Шмидтнинг иккинчи танк армияси рубару турарди. Равшанов вазиятни, кучлар нисбатини аниқлаш учун фон Шмидтнинг уч кунлик жангда йўқотган танклари-ю, аскар ва зобитлари (ўлган ва ярадорлар, асирга тушганларнинг ҳаммаси) тўғрисида аниқ маълумот сўради. Армия штаби берган маълумотдан равшан бўлдики, фон Шмидт икки юзга яқин танки, штурмчи «фердеданди» ва бронетранспортидан айрилган, жонли кучларида айниқса, йўқотиш катта. Демак, унинг «озиқ тиши» синдириб ташланган.

Икки армия, икки генерал ғуё шахмат тахтасида қарама-қарши ўтириб олиб, фикрини, асабини, лаёқатию санъатини, ҳатто тақдирини ўртага тикиб, ким ютади, деган хаёлда ва ҳар бири ўзича мен ютаман, албатта, деган мақсадда ғуё «Гарде!», «Кишт!» дегандай бетўхтов тош сурарди.

Фон Шмидт аста-секин стереотрубасини айлантиради: майда-майда қора-қуралар қуринади: унинг инфонтерияси жангга тушди, афтидан, қўшилмаларининг командирлари рус танклари орқасидан келиши эҳтимол тутилган мотоўқчиларни кутиб олмоқчи. Аммо русларнинг, одатда бронетранспортерларда келадиган пиёдаси қуринмасди. «Бекорга пиёдани жангга соляптилар, рус танкчиларининг бу оломон пойгаси уларни тепкилаб, ерга қориштириб юборади-ку...».

Совет танк армияси қумондони генерал-полковник Мстславовнинг экрани ярим шарида ҳам ўша майдон, ўша жанглар картинаси намойиш қилинарди. Генерал Равшанов Халхинголда ҳам, Москва бўсағасида ҳам, Сталинградда қамалиб қолган немис танклари билан юзма-юз олишувда ҳам бунчалик қаттиқ жангни кўрмаганди. Иккала томон стереотруба экранлари бир манзарани намойиш қилса-да, олишаётган икки қумондон, иккала генерал-полковник ҳам жангнинг боришини бири-бирини инкор қиладиган икки позицияда таҳлил қиларди. Фон Шмидт ҳамон узининг «йўлбарс»лари қудратига ишонарди.

...Ана, танклар бир-бирини мўлжаллаб келяпти... Ана, икки қучқор калласи ғурсиллаб урилди. Ана бири иккинчисини шохи билан орқасига суриб келяпти. Ана, яна бири югуриб келиб, чаққон бурилиб, душманнинг биқинини тепяпти...

Ердаги танклар жанглари ҳам худди кўкдаги қирувчи самолётларнинг ҳаво жанги янглиг бири - бирини қувлар, бир-бирини пойлаб биқинига, орқасига ўтишга уринар, мўлжалга келса, тўп ўқи узар, бирортаси зўр чиқмагунча олишув тўхтамасди.

Улардан ўнгроқдаги қўшни участкада полковник Маҳкамовнинг мотопиёдаси немис инфонтериясини сиқиб, жарга тиқиб борарди. Прохановканинг ғарбий-жанубий томонидан ўз пиёдасини қувватлаш учун немис танклари атака бошлади. Бу ерда эса улар Равшанов корпусининг иккинчи танк бригадаси тузоғига тушдилар. Равшанов «атакага ўтган немис танклари қуршаб олинсин, қарши атака билан йўқ қилинсин!» деган буйруқ берди. Иккинчи бригада танкчилари мотоўқчилар ёрдамида қарши атака бошлаб душман танкларини биқинидан сиқиб қўйдилар.

Совхоз даласида, станция билан дарё оралиғида бепоён жанггоҳда, чуқур зовур ва жилғаларнинг бутазорларида, саёз сой ва ариқларнинг балчиқ босган соҳилларида, қурбақалар қайнаган қамишзорларда танклар олишуви, мотоўқчилар жанглари, баъзан танклар таранга ўхшаган юзма-юз олишувлар, қўндоқбозлиғу, пичоқбозликлар тиним билмасди. Жангларнинг боришини стереотрубада кузатиб турган Равшанов «Бўшашма азамат!» — дер эди.

Берлин узоқ, Орёл билан Белгород, Харьков яқин... Равшановнинг стереотрубаси экранида бу шаҳарлар қуринмаса-да, унинг дилида шу шаҳарларнинг номи такрорланиб турарди. Обояндан нариси — ўша шаҳарлар йўли...

Кечқурун 1943 йил ўн иккинчи июль жангининг якуни йиғилгандан сўнг Равшановнинг кузига ўша йўлларгина қуринди.

Вермахтнинг ишонган тоғларидан бири, иккинчи СС танк армиясининг қумондони генерал-полковник фон Шмидт 1943 йил 12 июль кунги жанглар якуни ҳақида қўшилмалардан йиғилган ахборотни ўқиб, бўшашиб кетди, кучсизликдан қўл-оёғи титради, бадани жунжикиб, вужуди қалтиради. Икки қўли билан бошини ушлаб, столига тирсақларини тираганича жимиб қолди. «Ютқаздик...» деди ўзига ўзи. Кейин дами ичига тушиб кетди.

Эртасига Гитлер иккинчи танк армия қумондони фон Шмидтни зудлик билан ўз Ставкасига чақириб, елкасига чанг солиб, генераллик погонини узиб олган ва генерал-фельдмаршел Клюгени қумондонлик вазифасидан олиб ташлаган куни — 1943 йилнинг 13 июлида Равшанов Курск ёнидаги умумҳужумга тайёрланиш ҳақида буйруқ олди.

СУВРАТ ВА СИЙРАТ

Мана бу суратдаги отахонга назар солиб туриб, унинг сийратини аниқлаб олиш қийин эмас. У ўзининг етмиш йиллик ҳаёти давомида кўп қувончли кунларни ҳам, қайғули дамларни ҳам бошидан кечирган. Отахон айни пайтларда кексалик гаштини сурмоқда.

Дарвоқе, биз кексалик деганда бу сўзнинг маъносини турлича тушунамиз. Айримлар: «Кексаликнинг қандай гашти бўлиши мумкин?» деб ўзларига-ўзлари савол беришади. Ахир кураш майдонида беллаша олмасанг, бирон қизга муҳаббат изҳор қилолмасанг ёки бирон бир каттароқ ишга қўл уролмасанг. Бунинг нимаси гашт?».

Қўшработ туманидаги А. Қодиров номли жамоа хўжалигининг Қоратош қишлоғида истиқомат қилаётган отахон Зайниддин Холдоров эса бошқа фикрда: «Агар умринг давомида қанчалик кўпроқ савобли ишларга қўл урган бўлсанг, қариган чоғингдаги ҳаётинг ҳам шунчалик мароқли, гаштли ўтади. Зеро, ёшлигингда кучғайратга тўлган пайтларингда юртим деб, элим деб курашган бўлсанг, оловли йиллар хотираси сени доим халқ эъзозида асрайди».

Зайниддин ота ҳаётидан нолимайди. Гарчи унинг ҳаёти осонлик билан кечмаган бўлса-да, у барибир ҳаётидан мамнун. Зайниддин ёшлигида очарчилик йилларининг даҳшатларини кўрди. СССР деб аталмиш собиқ улкан мамлакатда қурғоқчилик бўлиб, экинлар битмай қолганда қаҳатчилик шамоллари унинг қадрдон қишлоғига ҳам етиб келганди. Фақат қишлоқдошларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатигина кўпларни ўлимдан асраб қолди.

Фашист босқинчилари ҳужум бошлагач, Зайниддин ва унинг жўралари ҳам олов йигитлар эмасми, дарров фронтга отланишди. Ўшанда у саккизинчи синфда ўқирди. 1942 йилнинг охирларида, яъни ўн етти ёшида армия сафига кўнгилли бўлиб қўшилди. Беш-олти ой машқ ўтказилгандан сўнг Украина тупроғидаги Курск ёйида жанг қилишга тўғри келди. Шундан кейин Украинанинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларини фашист газандаларидан тозалашда қатнашди. Кейинчалик Варшава, Краков шаҳарларини эгаллашда иштирок этди. Одер дарёсини кечиб ўтишда қаҳрамонлик кўрсатди.

Халқимизда «Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади», деган нақл бор. Жангчи Зайниддин ҳам не-не ўлимларни доғда қолдириб, ниҳоят 1945 йилнинг май кунларида Берлинни олиш жангларида мардлик кўрсатди. Хуллас, кўплаб орден ва медалларга сазовор бўлиб она юртига қайтди.

Бироқ, яна икки ойдан сўнг уни яна урушга чорлашди. Энди Японияннинг Квантун армиясига қарши жанг қилишга тўғри келди. Шу жангларда Зайниддин икки марта яраланди. Кейин эса контузия натижасида иккинчи гуруҳ ногиронига айланди.

Зайниддин Ватанига қайтгач, қадрдон хўжалигида меҳнат қилди. Уйланди, бир неча фарзандларнинг отаси бўлди. Ҳозир эса кўплаб невараларнинг севимли бобоси сифатида кексалик гаштини сурмоқда. Отахон кекса бўлса ҳам ҳали тиниб-тинчишни орзу қилаётгани йўқ. У ўттиз гектар ер олиб мевали боғ яратди. Ёшларнинг севимли устози. Демак, Зайниддин ота ҳақиқий кексалик гаштини сураётганлардан десак, хато бўлмайди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ.

Ие, йўғе, наҳотки?!

НАЙЗА ЎРНИГА МУШУК

ХОРИЖЛИК олимлар қадимги Мисрда мушукларнинг роли ҳақида антиқа фаразларни илгари сурдилар. Уларнинг айтишларича, бир вақтлар Мисрда мушукларга сиғиниш миллий удумга айланган, илоҳий ва муқаддас саналган экан. Ўша пайтларда агар уйга ўт кетса, энг аввал мушук қутқарилган ва бу удумни бузиш оғир гуноҳ ҳисобланган. Афсоналарга қараганда мисрликларнинг форслар билан қилган жангларидан бирида мағлуб бўлишларига ҳам мушуклар сабаб бўлган экан. Боиси, форслар қўлларига найза ўрнига мушукларни ушлаб олишган эканда.

СОЛИҚДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ

МАЪЛУМКИ, ҳар жойнинг ўз қонун-қоидаси, анъана ва удумлари бор. Буюк Британиянинг Грейт-Молверн марказий майдонидаги бозорда ўтмишдан қолган ажойиб қоида бор. Тошдан ишланган қадимий пештахтага биринчи бўлиб ўз маҳсулотларини қўйган сотувчи шу қоидага кўра, ўша куни бозор солиғидан озод этилади.

ТАШКИЛОТ СОТАДИ

— Соатига 70, 100, 150, 200 килограмм ун ва омихта ем чиқарадиган тегирмонлар;
— ҳўл мева қуритадиган шкафлар;
— 420, 700, 3000 дона тухумга мўлжалланган инкубаторлар;
— товуқ ва гўшт маҳсулотларини пиширувчи гриль шкафлар;
— сутни қайта ишлайдиган цехлар.

Телефонлар:
79-18-30, 79-24-40,
79-24-15, 44-47-69, 62-07-91.

«ИШОНЧ» — ИШОНЧЛИ ШЕРИК

Бизнес пресс танловига

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аҳолига хизмат кўрсатиш кўлами борган сайин кенгайиб бормоқда. Собиқ совет давридаги мулкчилик шаклидан фарқли ўлароқ ҳозирги замондаги мулк тушунчаси кишиларни тадбиркорликка, мустақил ишлашга, ишбилармонликка, иқтисодий изланишларга, ижодга ундаяпти.

Биз бунга Қарши шаҳридаги «Ишонч» жамоа савдо ишлаб чиқариш фирмаси фаолияти билан танишганимизда гувоҳ бўлдик. Фирма вилоятда биринчилардан бўлиб ҳиссадорлик тарзида ташкил топди.

Айни кезларда, жамоа, фирма низомида белгиланганидек, аҳолини эркин шартнома нархларида озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлашга ҳисса қўшиб келмоқда. Вилоят ҳудудида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг режадан ортиғини халқ истеъмоли моллари алмаштириш бўйича Ҳамдўстлик мамлакатларидаги фирма ва корхоналар билан иш олиб бормоқда.

— Булардан ташқари истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича цехлар, кичик корхоналар ташкил этишни кўзда тутганмиз, — дейди фирма бош директори Ўктам Турсунов.— Ходимларимиз ижтимоий эҳтиёжлари учун уй-жойлар барпо этяпмиз. Фаолиятимиз кўламини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқариш ва савдо иншоотлари қуряпмиз. Қўшма корхоналар тузиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож етимесир, ногирон, бева-бечораларга хайрия ёрдамлари кўрсатиш ҳам мўлжалимизда бор.

Фирмамизнинг ташаббуси билан ўтган 2 йил-у 10 ой мобайнида вилоятга МДҲ мамлакатларидан ва республика вилоятларидан 36,5 миллион сўмлик озиқ-овқат ва бошқа кенг халқ истеъмоли моллари олиб келинди. Бу моллар Қашқадарё вилояти билан бир қаторда қўшни Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари савдо ташкилотларига ҳам сотилмоқда. Бир қисм келтирилган моллар эса ўзимизга қарашли 5 та савдо дўкони орқали Қарши шаҳри аҳолига етказиб берилмоқда.

Қурилиш соҳасидаги бажарилган қурилиш ишларининг ҳажми 25 миллион сўмдан зиёдроқни ташкил этади. Шу пайтгача 76 ишчи ўрнига мўлжалланган тикувчилик цехи биноси, 250 бош қорамолга мўлжалланган молхона, маъмурий идора, савдо дўкони, ошхона ва спорт саройи бинолари қурилиши битказилиб фойдаланишга топширилди. Ҳозир шаҳардаги марказий истироҳат боғида миллий услубдаги дарвоза ва икки қаватли савдо дўкони биноси қад кўтармоқда. Шунингдек, Яккабоғ тумани «Ҳисор» давлат хўжалиги ҳудудидаги «Чиллабулоқ» шифобахш сув маскани таъмирланяпти.

Булардан ташқари фирма шаҳар аҳолисини чорва маҳсулотлари билан таъминлашга ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. Шу мақсадда Қарши тумани «Қарши» жамоа хўжалиги ҳудудида ташкил этилган ёрдамчи чорва хўжалиги ўтган давр мобайнида 24 тонна сут, 20 тоннадан ортиқ гўштетказиб берди. Уларнинг асосий қисми шаҳар аҳолисига сотилди. Бир қисми фирма ходимлари эҳтиёжлари ва ошхона эҳтиёжларига ишлатилмоқда. Ҳозир ҳам чорва хўжалигида 100бош қорамол ва 200 бош қўй-қўзи боқилмоқда. Фирма тасарруфидаги тикувчилик цехида эса шу кунга қадар 1 миллион сўмдан ортиқ кийим-кечак ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилди.

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Жумладан, шаҳарнинг Ўзбекистон кўчаси атрофида 3500 квадрат-метрдан иборат бўлган «Супермаркет» тарзидаги Марказий универмаг биносининг қурилишини бошлаб юбордик. Ушбу «Супермаркет»ни улуғ бобомиз Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик тўйигача ишга туширамиз.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Маданият янгиликлари

КУЛИНГ, КЎП ЯШАЙСИЗ

«Қизил тонг» маданият саройи қошидаги «Тангри» театр студияси янги-янги театрлаштирилган томошалар билан шинавандалар эътиборини қозонмоқда.

Ижодий жамоанинг «Театр чироқларини ёққанда» деб номланган янги томошаси мухлислар томонидан илиқ кутиб олинди. Яна Қалантарова саҳнага олиб чиққан мазкур томоша ўзбек, рус драматургларининг саҳна томошаларидан олинган лавҳалар, Афанди латифалари асосида саҳналаштирилган митти театр чиқишлари, комедиялардан олинган кулгили саҳналар ҳамда қувноқ куй ва қўшиқлардан иборат. Ижодий жамоа мазкур янги томошани шу кунларда шаҳримиз маданият масканларида намойиш этмоқдалар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Деҳқон хўжалиги ва корхона раҳбарлари диққатига!

- Пул ўтказиш йўли билан ФА-25 маркали сут идишлари (флягалар) сотилади.
- Қишлоқ хўжалиги машиналари, юк ташиш, кўтариш ва коммунал машиналари учун иш босими 16 МПа дан 25 МПа гача бўлган гидроцилиндрларни шартномалар бўйича етказиб беради.

Маълумотлар ушбу телефон бўйича: (3712) 78-58-66

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Фарғонада -- 26-37-16;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қаршида -- 3-25-79;
Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0144, 45220 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20.30

1 2 3 4 5 6.